



**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EiSSN 2181-2187

**5 (55) 2023**

**Сопредседатели редакционной  
коллекции:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

*Ред. коллегия:*

М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
Т.А. АСКАРОВ  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВ  
С.И. ИСМОИЛОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Б.Т. РАХИМОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОВЕВ  
С.А. ГАФФОРОВ  
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х. ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

[www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)

<https://newdaymedicine.com>

E: [ndmuz@mail.ru](mailto:ndmuz@mail.ru)

Тел: +99890 8061882

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал  
Научно-реферативный,  
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**5 (55)**

**2023**

*май*

Received: 20.04.2023, Accepted: 30.04.2023, Published: 15.05.2023.

УДК 616.62-006

## СИЙДИК ПУФАГИ ПАПИЛЛОМАСИНИНГ ПАТОГИСТОЛОГИЯСИ

Шодиев Ўлмас Мустафоевич Email: [olmas@bk.ru](mailto:olmas@bk.ru)

Исраилов Ражаббой Email: [IsrailovR@mail.ru](mailto:IsrailovR@mail.ru)

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

### ✓ Резюме

*Ушбу мақолада сийдик пуфаги папилломасининг патогистологияси ҳақида маълумотлар келтирилган. Биз ўрганган сийдик пуфаги папилломасининг морфологик жиҳатдан гистотопографик тузилиши бўйича стромаси тўқима таркибининг ҳар хиллиги ва унга боғлиқ ҳолда қопловчи кўп қаватли ясси эпителийсининг қаватлари сони, такомилланиши даражаси, патологик ўзгаришларга учраши турлича бўлиши кузатилди. Стромаси ангиоматозли бўлган папилломада ҳар хил катталиқдаги қон томирлардан иборат бириктирувчи тўқимаси нисбатан кенг ва кўп тармоқли сўргичлар пайдо қилиши, юзасидаги эпителийси чўзинчоқ шаклга эгаллиги ва вертикал ҳолда жойлашганлиги кўрилади.*

*Калит сўзлар: сийдик пуфаги, папиллома, патогистология, биопсия.*

## ПАТОГИСТОЛОГИЯ ПАПИЛЛОМ МОЧЕВОГО ПУЗЫРЯ

Шодиев Улмас Мустафоевич Email: [olmas@bk.ru](mailto:olmas@bk.ru)

Исраилов Ражаббой Email: [IsrailovR@mail.ru](mailto:IsrailovR@mail.ru)

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г.

Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

### ✓ Резюме

*В данной статье представлена информация о патоморфологии папилломы мочевого пузыря. По морфологической гистотопографической структуре изученной нами папилломы мочевого пузыря было отмечено, что состав стромы и количество слоев покровного многослойного плоского эпителия, уровень развития, возникновение патологических изменений различаются. . В папилломах с ангиоматозной стромой соединительная ткань, состоящая из кровеносных сосудов различного размера, представляется относительно широкими и разветвленными папилломами, а эпителий на поверхности имеет вытянутую форму и располагается вертикально.*

*Ключевые слова: мочевого пузырь, папиллома, патогистология, биопсия.*

## PATHOLOGISTOLOGY OF PAPILLOMA OF THE URINARY BLADDER

Shodiev Olmas Mustafievich, Email: [olmas@bk.ru](mailto:olmas@bk.ru)

Israilov Rajabboy Email: [IsrailovR@mail.ru](mailto:IsrailovR@mail.ru)

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina Uzbekistan Bukhara, A.Navoi st. 1 Tel:

+998(65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

### ✓ Resume

*This article provides information on the pathogistology of bladder papilloma. According to the morphological histotopographical structure of the bladder papilloma studied by us, it was observed that the composition of the stroma and the number of layers of the covering multi-layered squamous epithelium, the level of development, and the occurrence of pathological changes are different. In a papilloma with an angiomatic stroma, the connective tissue consisting of blood vessels of various sizes appears to be relatively wide and multi-branched papillomas, and the surface epithelium is elongated and vertically located.*

*Key words: bladder, papilloma, pathogistology, biopsy.*

## Долзарблги

Сийдик пуфаги хавфсиз ўсмалари эпителиал (полип, папиллома) ва нозпителиал (фиброма, лейомиома, рабдомиома, гемангиома, невринома, фибромиксома) бўлиши мумкин. Сийдик пуфаги ўсмалари барча ўсмали касалликларнинг 4-6% ташкил қилади ва аксарият ҳолларда 50 ёшдан ошганларда, эркакларда аёлларга нисбатан 5 баробар кўп аниқланади. Пешоб йўллари папилломаси аслида белгисиз кечадиган касаллик бўлиб, режали текширувларда тасодифан аниқланади. Бу ўсимта жуда кам даражада учрайдиган хавфсиз ўсимта бўлиб, урогенитал эпителийдан ёки кўп қаватли ясси эпителийдан ривожланади ва пешоб йўллари хавфсиз ўсмаларининг 1% атрофида аниқланади. Эркакларда аёлларга нисбатан 5 баробар кўп учрайди. 70% ҳолларда папиллома сийдик пуфагининг ҳар хил соҳаларида пайдо, аксарият ҳолларда сийдик пуфаги учбурчагида, бўёнида, томида ва ён томонларида жойлашади. Макроскопик жиҳатдан папиллома етилган, бинафша рангли, ғадир-будур юзали, юмшоқ эластик кўринишдаги, бир дона, айрим ҳоллари кўп сонли кўринишда учрайди. Сийдик пуфаги папилломасининг ўзига хослиги тез-тез рецидив беришидир.

Папилломанинг бошланиши хужайраларнинг фаол ҳолда бўлиб бошлашдан юз беради, бунга сабаб бир қатор хавфли омиллар ҳисобланади. Хавфли омиллардан асосийси, бу зарарли ишлаб чиқаришда ишлаш, яъни қоғоз, алюминий, қуйма ишлар, лак-бўёқ, қора чиқич, газ ишлаб чиқаришда ишлаш ҳисобланади. Яна бир хавфли омил сифатида ёмон экологик муҳит бўлиб, йирик ишлаб чиқаришли шаҳарларда яшайдиганларда, яъни ифлосланган ҳаво, ишлаб чиқариш чиқиндилари, ифлосланган сув ва тупроқ таъсири бўлиши мумкин. Маҳаллий хавфли омиллар сифатида пешоб йўллариининг сурункали касалликлари, яъни простатит, аденома, пешоб-тош касаллиги, дивертикуларлар, пешоб йўллариининг чандиқланиши. Яна бир хавфли омил, бу чўкиш, бунда ёнган маҳсулотлар пешоб орқали чиқиб, пешоб йўлларига концентроген сифатида таъсир кўрсатади. Наслий омил ҳам муҳим, унга қўшимча эркакларда сийдик таносил тизимининг анатомик тузилиши ҳам хавфли омил бўлиб хизмат қилади.

Сийдик пуфаги ўсмалари кўпинча белгисиз ривожланади. Асосий клиник белги сифатида гематурия ва дизурия кузатилади. Гематурия бир марта, мунтазам равишда ёки доимий бўлиши мумкин. Дизурия одатда цистит қўшилганда юз беради ва пешоб чиқарганда қисқариш, пешоб чиқишининг қийинлашиши, ишурия кўринишида намоён бўлади. Оғрик одатда чов соҳада пайдо бўлади, пешоб чиқаришнинг охирида кучаяди. Ўлчамлари йириклашган папиллома пешоб йўллариини обтурациялайди, натижада пиелонефрит, гидронефроз, сурункали буйрак етишмовчилиги, уросепсис ва уремияга олиб келади. Сийдик пуфаги полип ва папилломаси ўз жойида айланиб қон томирларининг қисилишига, қон айланиши бузилишига ва инфаркт ривожланишига олиб келиши мумкин. Сийдик пуфаги папилломаси рецидивланишга мойил бўлиб, айниқса чекувчиларда тез-тез қайталаниб туради ва хавфли ўсмага айланиши мумкин.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Юқорида келтирилган мунозараларни инobatга олиб, ушбу тадқиқотда қуйидагича мақсад қўйилди, сийдик пуфагининг папилломаларининг патогистологик ўзгаришлари аниқланди.

## Материал ва усуллар

Тадқиқот материаллари сифатида 2020-2022 йиллар даврида Бухоро вилоятида яшовчи, анамнезида папиллома билан касалланган 21 та эркак ва 18 та аёллардан цистоскопия усулида олинган сийдик пуфаги шиллиқ пардаси биопсияси материалларидан фойдаланилди.

Патоморфологик текшириш усули. Биопсия бўлакчалари 10% нейтралланган формалинда 48 соат қотирилди. Сувсизлантириш мақсадида концентрацияси ошиб борувчи спиртларда ва хлороформда сувсизлантирилди. Гистологик кесмалар гематоксилин ва эозинда бўялди.

## Натижа ва таҳлиллар


Сийдик пуфаги папилломасини морфологик жиҳатдан ўрганиш шуни кўрсатдики, аксарият ҳолларда ушбу хавфсиз ўсма ўтувчан-хужайрали ва ясси эпителийли кўринишда учраганлиги аниқланди. Ўтувчан-хужайрали папиллома кам даражада аниқланди, бизнинг материалimizда 5,2% ташкил қилди. Ушбу ўсимта морфологик жиҳатдан бириктирувчи тўқиманинг сўрғичсимон ўсиши, таркибида майда қон томирлари мавжуд стромасидан иборатлиги, юзасини уротелийли ўтувчан-хужайрали эпителий қоплаганлиги аниқланади. Бизнинг материалimizда папиллома 20-30 ёшлиларда жуда кам 6,4%да, 30-40 ёшлиларда – 9,7%, 40-50 ёшлиларда 11,6%, 50-60

ёшлиларда 72,3%, 60 дан ошганларда деярлик аниқланмади. Булардан аксарият ҳолларда ясси эпителийли папиллома аниқланди ва у жами биз ўрганган папилломанинг 94,8% ташкил қилди. Уротелийли папиллома асосан 40 ёшдан 60 ёшлилар орасида аниқланди.


Сийдик пуфаги папилломасининг морфологик жиҳатдан гистотопографик тузилиши бўйича стромаси тўқима таркибининг ҳар хиллиги ва унга боғлиқ ҳолда қопловчи кўп қаватли ясси эпителийсининг қаватлари сони, такомил топиш даражаси, патологик ўзгаришларга учраши турлича бўлиши кузатилади.

Сийдик пуфаги папилломаси стромаси асосан шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан иборатлиги, унга кўшимча ҳолда айримларида қон томирларнинг кўпайиши ва ангиоматозли тузилишга эгаллиги, бошқасида лимфоид инфильтрация кўшилишидан лимфопрлифератив стромага айланиши, яна бирида кўпол толали бириктирувчи тўқима ўсиб, фиброматозга айланиши, агар стромасида углеводли моддалар миқдори кўпайса миксаматоз кўринишга кириши аниқланади. Папиллома стромаси ангиоматозли тузилишга кирган бўлса уни қоплаган ясси эпителийнинг деярлик барча қаватларида хужайралар вертикал ҳолда чўзинчоқ ядроли эпителиоцитларга айланганлиги, кариоплазмаси нисбатан гиперхромазияланганлиги, қатор-қатор жойлашиб, кўп қаватли тузилишни пайдо қилганлиги кузатилади (1-расм). Бунда эпителийнинг базал қавати нисбатан йирикрок хужайралардан, ядроси зич жойлашган чўзинчоқ эпителиоцитлардан иборатлиги аниқланади. Бу турдаги папиллома стромасида ҳар хил даражада кенгайган юпка деворли қон томирлар пайдо бўлганлиги, уларнинг йириклари қопловчи эпителийга туташган ҳолда жойлашганлиги, майдалари марказроқда ўрин эгаллаганлиги, қон томирлар орасида кам бўлсада лимфоид хужайралар мавжудлиги аниқланади.


Агар папиллома стромаси нозик шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан иборат бўлса унинг юзасидаги ясси эпителий қаватлар сони кескин кўпайганлиги (2-расм), гиперплазияланган нисбатан майда эпителиоцитлардан иборатлиги, базал қаватида 2-3 қатор хужайралар нисбатан гиперхромли ядрога эгаллиги ва чўзинчоқ шаклдалиги аниқланади. Бу формадаги папилломага хос морфологик ўзгариш сифатида қопловчи эпителийнинг кучли пролиферацияланиб кўпайиши оқибатида хужайралар қаторлари таркибида ҳар хил кўринишдаги, яъни каптокчасимон тузилмалар, устунсимон жойланишлар, солидли ўчоқлар пайдо қилганлиги кузатилади (3-расм). Ушбу турдаги папиллома стромасида хужайралари ва толалари бетартиб жойлашган шаклланмаган бириктирувчи тўқима пайдо бўлганлиги аниқланади. Хужайралари орасида функционал жиҳатдан фаоллашган фибробласт ва гистиобласт хужайралар пайдо бўлганлиги ва уларнинг атрофини асосан аргирофил толалар бетартиб ҳолда ўраб олганлиги кузатилади.



*1-расм. Сийдик пуфаги папилломасининг ангиоматозли формаси, стромасида қон томирлар кўп, қопловчи эпителийси хужайралари вертикал ҳолда жойлашган, ядролари тўқ бўялган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x40.*



**2-расм. Сийдик пуфаги папилломаси, стромаси шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан иборат, қопловчи эпителийс қалинлашган, бетартиб жойлашган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x10.**




**3-расм. Сийдик пуфаги папилломаси, стромасида ҳужайралар ва толалар бетартиб жойлашган, қопловчи эпителийсиди ҳар хил тўпланмлар пайдо бўлган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x40.**

Сийдик пуфаги папилломасининг фиброматозли формасида стромаси зич, толалари кўпол ва концентрацияли жойлашган, энсиз сўрғичлардан иборатлиги кузатилади. Строма таркибидаги ҳужайралар асосан етилган фиброцит ва фибробластлардан иборатлиги, уларнинг ядролари зичлашган, концентрацияланган, толалари орасида сиқилган ҳолатда жойлашганлиги аниқланади. Юзасини қоплаган ясси эпителий қаторлари олдинги формасидан анча юпқалиги, қаторлари камлиги, юзасида мугузланиш пайдо бўлганлиги аниқланади. Эпителийнинг базал қават ҳужайралари нисбатан йирикроқ ва тўқроқ бўялганлиги, ўрта қаватларида эса ҳужайралар бетартиб жойлашганлиги, уларнинг ядролари нисбатан кичик ўлчамдалиги кузатилади (4-расм). Эпителийнинг юза қаватига туташган қаватларида эпителиоцитлар цитоплазмаси кенглиги, вакуоллашганлиги аниқланади.


Сийдик пуфаги папилломаси стромасининг лимфопролифератив формасида стромаси ҳар хил катталиқдаги сўрғичлардан иборатлиги, стромаси асосидан бошлаб, кенг ва турли томонга тармоқланганлиги, стромасидаги шаклланмаган бирик тирувчи тўқимаси диффуз ҳолда лимфоид ва плазматик ҳужайралар билан инфильтрацияланганлиги аниқланади. Лимфоид ҳужайралар тўпланган соҳаларида бириктирувчи тўқиманинг толалари тузилмалари сийраклашиб, вакуолизацияга учраганлиги, бириктирувчи тўқима ҳужайраларидан макрофаглар кўплиги кузатилади. Айрим лимфоид ҳужайралар базал мембранани бузиб, эпителий қопламасига миграцияланиб, инфильтрацияланганлиги кузатилади.

Папиллома юзасидаги ясси эпителий таркибининг барча қатламларида лимфоид ҳужайралар мавжудлиги, уларнинг айримлари эпителиоцитлар билан жипсланиб, симбиоз пайдо қилганлиги аниқланади (5-расм). Папилломанинг ясси кўп қаватли эпителийс таркибига лимфоцитларнинг миграцияланиб, кириб бориши эпителий ҳужайралари папиллавирус томонидан шикастланганлиги ҳақида далолат беради. Натижада ясси кўп қаватли эпителийнинг айрим

хужайралари цитоплазмаси вакуоллашиб, таркибида гематоксилинли киритмалар пайдо бўлганлиги, уларнинг “кейлоцитларга” айланганлигини кўрсатади, бу эса вирус билан шикастланган хужайралар ҳисобланади.




**4-расм. Сийдик пуфаги папилломасининг фиброматозли формаси, стромаси зич ва ингичка, қопловчи эпителийси қаватлари кам, юзасида вакуллашган ва мугуз қават пайдо бўлган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x40.**



**5-расм. Сийдик пуфаги папилломаси стромасида лимфоид инфильтрация, эпителий қатламида кейлоцитлар пайдо бўлиши. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x40.**

Айрим ҳолларда сийдик пуфаги папиллома стромаси нордон гликозамингликанларга бойиб, гидротацияга учраганлиги, строма таркибидаги бириктирувчи тўқима кескин шишга ва миксаматозга учраганлиги, бириктирувчи тўқима хужайралари титилиб, юдлизсимон кўринишга кирганлиги, орасида эозинофиллар пайдо бўлганлиги кузатилади. Строма бириктирувчи тўқимасининг бундай нордон муҳитга кириши албатта базал мембранага ҳам таъсир кўрсатиб, унинг фибриноид бўкишга учраганлиги аниқланади.



6-расм. Сийдик пуфаги папилломаси стромаси нордонлашиб, миксаматозга учраган, эпителийсиди дисплазия белгилари пайдо бўлган. Бўёк: Г-Э. Кат: 10x40.

Базал мембранага бириктирувчи тўқима ҳужайраларининг фаоллашганлари жипсланиб яқинлашганлиги, таркибида макрофаглар кўпайганлиги аниқланади. Юзасидаги кўп қаватли ясси эпителийнинг базал қаватлар ҳужайралари кескин гиперхромазияланиб, гипертрофияланганлиги, айримлари дисплазияга учраганлиги кузатилади. Морфологик жиҳатдан эпителийнинг дисплазияланиши улар ядросининг ҳар хил катталикга ва шаклга кирганлиги билан намоён бўлганлиги аниқланади. Демак, сийдик пуфаги ясси эпителийли папилломаси айрим ҳолларда дисплазияланиб, хавфли ўсмага айланиб бориши мумкинлиги кузатилади.

#### Хулоса

Сийдик пуфаги папилломасининг морфологик жиҳатдан гистотопографик тузилиши бўйича стромаси тўқима таркибининг ҳар хиллиги ва унга боғлиқ ҳолда қопловчи кўп қаватли ясси эпителийсининг қаватлари сони, такомил топиш даражаси, патологик ўзгаришларга учраши турлича бўлиши кузатилди.

Стромаси ангиоматозли бўлган папилломада ҳар хил катталикдаги қон томирлардан иборат бириктирувчи тўқимаси нисбатан кенг ва кўп тармоқли сўрғичлар пайдо қилиши, юзасидаги эпителийси чўзинчоқ шаклга эгалиги ва вертикал ҳолда жойлашганлиги кўрилади.

Лимфопрлифератив тўқимадан иборат стромали папилломада лимфоид ҳужайраларнинг базал мембрана орқали эпителий қатламига миграцияланганлиги ва эпителий ҳужайралари билан симбиоз ва кайлоцитлар пайдо қилганлиги аниқланди.

Айрим ҳолларда сийдик пуфаги папилломасининг стромаси нордонлашиб, юзасидаги эпителий тўқимасининг базал қаватлари ҳужайралари таркибида дисплазияга хос ўзгаришлар пайдо бўлганлиги, папилломанинг хавфли ўсмага айланиб бориши мумкинлиги кузатилади.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. S.U. Mustafievich, Morphological Characteristics of Testicles under Radiation International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology 2021 1(6):218-222
2. Shodiev O'Imas Mustafievich, Olimova Aziza Zokirovna. Репродуктив ёшдаги эркакларда бепуштлик сабаблари: Бухоро тумани эпидемиологияси. Scientific progress. 2021 499-502.
3. O'Imas Mustafievich Shodiev Pathologies encountered in the kidney in the practice of forensic medical examination. Journal. Academicia globe: Inderscience Research. 2021 2(11):39-43.
4. Shodiev O'Imas Mustafievich, Expression level of anti-apoptotic protein Bcl-2 in bladder papillomas Web of Scientist: International Scientific research Journal. 2022 3(8):297-305.
5. Shodiev O'Imas Mustafievich, Khaidarova Nargiza Akhtamovana Epitelial safe tumors of bladder rate, types and causes. Web of Scientist: International Scientific research Journal. 2022 3(6):905-912.
6. Shodiev O'Imas Mustafievich, Khaidarova Nargiza Akhtamovana Meeting of kidney cysters in court medical autopsy practice. Web of Scientist: International Scientific research Journal. 2022 3(6):893-898.
7. Shodiev O'Imas Mustafievich, Khaidarova Nargiza Akhtamovana Epitelial safe tumors of bladder rate,types and causes. Web of Scientist: International Scientific research Journal. 2022 3(6):905-912.

Қабул қилинган кун 20.04.2023